

ЁШЛАР ВА ХУҚУҚИЙ ТАРБИЯ

Биз демократик давлат барпо этишдек улғувор ишни ўз олдимизга қўйган эканмиз, барча фуқароларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг ҳуқуқий тафаккурини шакллантириш, яъни демократик тамойилларнинг кишилар онига теран сингиб боришига эришимиз лозим.

Президентимизнинг республика ҳуқуқ-тарғибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви, «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиши иштини яхшилаш ҳақида»ги фармони, «Ҳуқуқий маърифат марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Инсон ҳуқуқлари» махсус курсини ўқув юртлирида жорий этиш тўғрисидаги тadbирлари аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, талабаларимизнинг ҳуқуқий билимларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда муҳим рол ўйнамоқда. Шу мақсадда 1998 йил 3 апрель куни Қарши Давлат университетида Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази очилди.

Марказнинг очилишида Республика Инсон ҳуқуқлари Миллий Маркази раҳбарлари қатнашдилар. Марказимиз ва ундаги зарур адабиётларнинг кўпчилигини кўриб уллар:

— Ушбу даргоҳ нафақат Қашқадарё учун, балки республикамизнинг жанубий вилоятларига хизмат кўрсатадиган марказ бўлиб қолиши керак, — дейишди.

Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг фаолиятини яхшилаш мақсадида Маргилон шаҳридаги 8-мактабда ташкил этилган «Маънавият ва маърифат» маркази фаолияти ўрганиб чиқилди. У ердаги ҳуқуқий тарбияга тааллуқли бўлган, ўрганишга арзийдиган 21та стендларнинг барчаси видео кассетага таширилди.

Марказимиз айна пайтада ҳуқуқий таълимни кучайтириш мақсадида тавсиялар ишлаб чиқаётир.

Инсон ҳуқуқларининг конституциявий кафолатлинишига доир мавзу-

ларда ўқув ишчи-дастурлари, дарслик қўлланмалар тайёрламоқда, оммавий адабиётлар рўйхати тузилаётган.

Ҳуқуқшунослик, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш муаммолари бўйича маъруза матнларини тайёрлаб, намунали машғулот ўтказишни ташкил зтаёпмиз.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясида баён этилган қоидаларни Шарқ ва Марказий Осиё халқларининг бой ҳуқуқий мероси билан ўзаро боғлаб, талаба ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилинмоқда.

Университет талабаларининг ихтисослигига мувофиқ равишда ҳуқуқшунослик фанлари табақалаштириб ўтилмоқда.

Талаба ёшларга кенг ҳуқуқий билим бериш мақсадида Тошкент Давлат юридик институти, республика Миллий марказлари билан ҳамкорлик ўрнатиб, етакчи профессор ва ҳуқуқшунос мутахассислар илмий-назарий анжуманларга жалб қилинаёпти.

Марказ ташкил этилганидан буён, ректорат ёрдамида «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида давлат ва ҳуқуққа оид масалаларнинг ишлаб чиқилиши ва ривожлантирилиши, «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куришининг асосий кафолати», «Оила муносабатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари» каби мавзуларда илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтди. Уларда Республика Инсон ҳуқуқлари Миллий маркази, вилоят суди, прокуратураси, адлия бошқармасининг масъул вакиллари ва бошқа олимлар ўзларининг сермазмун маърузалари билан иштирок этдилар.

Шунингдек, Марказ ўз фаолиятида вилоят ҳуқуқ-тарғибот идоралари ходимлари билан ҳамкорликда «Қашқадарё вилоятида талабаларнинг ҳуқуқий тафаккурини шакллантириш ва ҳуқуқий маданият даражасини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришнинг йўллари» мавзусида республика илмий-амалий анжуманини ўтказишга тайёргарлик кўрмоқда.

Абдухалиқ ЖўРАЕВ,
фалсафа фанлари номзоди.

Меҳнат муҳофазаси

Меҳнаткашларга қулай ва хавфсиз меҳнат шaroитини яратиш касба уюшмалари олдига турган муҳим вазифалардан бири саналади. Бунга яхши намуна Жиззах вилояти касба уюшмалари Кенгаши қошидаги меҳнатни муҳофазалаш бўлими ибратли тadbирларни амалга оширмоқда.

Биргина ўтган йилнинг ўзига нозирлар томонидан 150 дан ортиқ жамоа, давлат хўжаликлари, корхона, ташкилот ва ширкат бирлашмаларида ушбу йўналишдаги ишлар ўрганиб чиқилди. Бунда асосий эътибор меҳнаткашлар соғлиғи ва улар ҳаёти учун хавфли бўлган дастгоҳ, бўлимлар ва корхоналарга қаратилди. Натижада бўлим томонидан 17 дастгоҳ, 6 та устахона камчиликлар бартараф этилганга қадар ёпиб қўйилди. «Янги ҳаёт» ёпик турдаги пайчилик бирлашмасига қарашли ёқилги куйиш шохобчаси, «Самарқандқудук» ижара-ширкатлар бирлашмасининг марказий устахонаси токар, Жиззах шаҳар металл қайта ишлаш корхонаси пайвандлаш бўлими шўлар жумласидандир.

Меҳнат жамоаларида ишловчилар учун қулай ва

нунда белгиланган қоидаларни бузганлиги учун 19 нафар раҳбар ва техник-муҳандисга жами 30 минг сўмлик жарима солинди. Жиззах шаҳар иссиқлик

димиларнинг ишларини таъдиллаб ўтмоқ керак. Ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг ишчи соғлиғи ҳамда ҳаётини му-

ҳафаза этиш борасида шахсий жавобгарлигини ошириш билан бир қаторда бахтсиз ҳодисалар туфайли жабрланганлар оилаларига тўламини керак бўлган товон пуллари-нинг ўз вақтида берилиши нозирлар томонидан назорат остига олинган. Бунинг натижасида жабрланувчилар оиласига ўтган йили 5 миллион сўмдан ортиқ маблағ тўланди. Масалан, Зомин тумани А.Тоиров номи ижара-ширкат бирлашмасидаги М.Нортожиев оиласига 249 минг сўм, Чимкўрғон ширкат бирлашмаси ишчиси Й.Турсуновга 25 минг 792 сўм, «Галлаоролшароб» ишлаб чиқариш корхонасидаги Кучимовлар оиласи-

ТОВОН ПУЛИ УНДИРИЛДИ

хавфсиз шароитлари яратилмаганлиги, экологик қоидаларни бузганликлари учун айрим раҳбар ходимларга эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган чоралар қўлланилди. Мисол учун, Дўстлик туманидаги «Дўстлик» пахта тозалаш корхонаси бош муҳандиси С.Мирзаев, тайёрлов бўлими бошлиғи О.Давлатов, Жиззах шаҳар коммунал хизмат кўрсатиш корхонасига қарашли 2-уй-жой бўлими бошлиғи А.Эгамов, шу корхона назоратчиси О.Иномов, Жиззах шаҳар металл қайта ишлаш корхонаси раҳбарлари Д.Зиёевлар эгаллаб турган вазирларидан бўшатилади. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қо-

манбаи бош муҳандиси А.Саломов, шу корхона сув иншооти бўлими бошлиғи Н.Жуманов, «Дўстлик» пахта тозалаш корхонаси бош нурчиси Р.Кенжаев, шаҳар иккиламчи қора металл корхонаси таъминот муҳандиси Х.Қурбонов, шу корхона қурилиш устаси И.Абдукаримовлар ҳам маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Лекин асосий вазифамиз ҳар бир корхона раҳбарига керакли йўл-йўриқлар билан биргаликда ёзма тавсияномалар беришдир. Шу йўналишда 2910 дан ортиқ тadbир амалга оширилди. Бунда техник нозирлар билан бирга 11 нафар жамоатчи сифатида фаолият кўрсатаётган хо-

ҳафаза этиш борасида шахсий жавобгарлигини ошириш билан бир қаторда бахтсиз ҳодисалар туфайли жабрланганлар оилаларига тўламини керак бўлган товон пуллари-нинг ўз вақтида берилиши нозирлар томонидан назорат остига олинган. Бунинг натижасида жабрланувчилар оиласига ўтган йили 5 миллион сўмдан ортиқ маблағ тўланди. Масалан, Зомин тумани А.Тоиров номи ижара-ширкат бирлашмасидаги М.Нортожиев оиласига 249 минг сўм, Чимкўрғон ширкат бирлашмаси ишчиси Й.Турсуновга 25 минг 792 сўм, «Галлаоролшароб» ишлаб чиқариш корхонасидаги Кучимовлар оиласи-

га 108 минг сўм пул ундириб берилди. Утган давр ичида вилоят касба уюшмалари кенгаши ва тармоқ қўмиталари йиғилишларида меҳнат муҳофазасига оид 6 та масала кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва ижросини таъминлаш чоралари кўрилди.

Фаолиятимизни меҳнат биржалари, прокуратура ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда олиб боришимиз ўзининг ижобий самарасини бераётир. Бултўр 11 та ҳолатдаги текширишлар улар билан биргаликда олиб борилди.

Жорий йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди. Шу боис, вилоятимиздаги ҳар бир меҳнат кишининг иш жойида қулай ва хавфсиз меҳнат шароити яратилишини таъминлашга эришиб, инсон саломатлигини асрашдек муҳим ишга ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Рауф САНГИЛОВ,
Жиззах вилояти касба уюшмалари кенгаши техник нозир.



Халол меҳнат кишини улғулайди, деб бежиз айтишмайди. Бунга Қамаш туманидаги «Мамат» фермер хўжалиғи аъзоси Наргиза Авазова (чапда) мисолида ҳам кўриш мумкин. У тadbиркорлар сафига қўшилиб, аҳолини сифатли чорва маҳсулотлари билан таъминлаш ишига муно-



сиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ундаги суратда эса «Дўстберди» фермер хўжалиғи раҳбари, асл деҳқон Холмурод Авазов.

Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар.

ЎҚУВ-СЕМИНАРДАН МАҚСАД

Хоразм вилояти касба уюшмалари Кенгаши ўзининг иш режасига мувофиқ шу йил январ ойида касба уюшмалари ходимлари ва фаоллари учун махсус дастур асосида ўқув-семинарлари ўтказди.

Бундан қўзланган мақсад янги сайланган касба уюшма қўмиталари раислари ва фаолларини меҳнаткашларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий муҳофаза қилиш, касба уюшмаларининг Низом ва ҳаракат дастурлари билан мукамал таништириш, ташкилий-оммавий ишларнинг аҳамияти, «Соғлом авлод йили» муносабати билан касба уюшмалари олдига турган вазифаларни тушутиришдан иборат эди. Ўқув семинарларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайловларда меҳнаткашлар томонидан билдирилган талаб, тақлиф ва мулоҳазалар атрофида таҳлил қилинди ҳамда камчиликларни бартараф этиш, муаммоларга йўл топиш бўйича тавсиялар берилди.

Машғулотларда шаҳар ва туманлар ҳокимлари ўринбосарлари ҳам иштирок этдилар.

Э.ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Дунёда ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаган одамдан хавфли йўк. Халқимиз топиб айтган: ҳар бало-ю ҳар қазонинг, ҳар бир иллат-у ҳар бидъатнинг боши ишқамасликдир. Меҳнатга яроқли бўлатуриб, ундан қочиб юрадиган одамнинг калласида ёвуз ниятлар нижғийди. Лекин ишламай ёган — оғримай ўлар, деган хикмат унинг тушига ҳам қирмайди.

Қирчиллама ёшдаги андижонлик Абдуқодир Жўрабев ҳам туну кун текин томоқни ўйларди. Қўни-қўшни, маҳалла оқсоқоллари: «Хой, Абдуқодир, бекорчидан эл безор, деганлар, бирор ерда ишлаб, оилангни халол нон билан боқсанг-чи, ахир болаларинг бор, уларнинг тақдирини ўйласанг-чи», деб насиҳат қилишса, қўл силтаб туриб кетарди.

У омондан чалпақ ёғилишини орзу қилиб ётган кунларнинг бирида қўни-қўшининг билгаидаги қўш тилла узукни кўриб қолди.

— Билак узугингиз тоза олтинданми? — ўсқочилаб сўради у.

— Ҳа, албатта. 583 пробаллик. Бозорда фалон пул, болам. Улимлигимга пул йўлғамдими, мол-мулк тўплагандим, бутун бойлигим шу икки билак узук.

У жиноятни шундай со-

Бекорчидан эл безор

дир этаманки, изимни шайтон ҳам тополмайди, деб ўйларди. Лекин кингир иш қирқ йилдан кейин ҳам очилиши мумкинлиги-

шига темир калтак урилди. Кампир ўзини ўнглашга улгурмай, томоғига пирик санчилди. Абдуқодир қайнонамни

уст пичоқ санчди... —Тур! — тонг отарда уйига қайтган Абдуқодир тўнғич ўғли Ўткирни уй-отди, — мана бу билак узукларни Наманганга олиб бориб, ошманга кўрсатсанг, камида 100

туюлиб, ҳовлиқтириб, иштаҳасини қарнай қилиб қўйган эди. Собик хотини Эъзоохон билан унинг онаси Асалхон аянинг қўлида ҳам нақд 300 минг сўм пул борлигини эслаб қолди. «Улар-ниям шу тарзда тинчитсам, пулим салкам 400 минг сўмга етиб, бойиб қолардим», ўйлади у ва Тошлоқ туманидаги «Оқшоқғузар» маҳалласига йўл олди.

Хайриятки, Эъзоохон билан Асалхон ая ўша кун узоқ қариндошларникига меҳмонга кетиб ётиб қолган эканлар. Акс ҳолда, бир баднафс, қон-хўрнинг қурбонига айланарди.

Абдуқодир 300 мингга эга бўлиш режасини бошқа кунга қолдириб, Хар-тумга қайтди. Уйда эса уни милиция ходимлари кутиб турган эдилар.

Шундай қилиб, икки кишининг умрига зомин бўлиш, ўнлаб кишиларга олам-олам ғам-қулфат келтириш эвазига қўлга киритилган билак узук-кунун қудрати билан қиланга айлиниб, унинг қўлларига солинди ва оғир жазо сари судради.

М.АБДУКАРИМОВ.

Ижтимоий ҳимоя БОЛА КУЛСИН ЖАҲОНДА

Камхарж, ночор оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш вилоят касба уюшмалари кенгаши раиси Азизбек Содиковнинг сайловдиди дастуридан ўрин олган эди. Шу боис у Андижон шаҳрида яшовчи ночор оилаларнинг фарзандларини бир пиёла чойга тақлиф этишга қарор қилди.

Шаҳар маҳаллаларида яшовчи кам таъминланган оилалар фарзандларидан 100 нафари ота-оналари билан «Баҳор» қаҳвахонасига тақлиф этилиб, уларга аjoyиб кеча уюштирилди. Тўхта-син Жалилов номидаги санъат билим юртининг «Камолон» қизлар гуруҳи ҳамда иқтидорли қўшиқчилар шу кунги болажонлар хизматида бўлдилар. Уларга қимматбаҳо кийимлар совға қилинди.

Қўли гул ошпазлар болажонларни энг тансиқ таомлар билан сийладилар.

Бир пайт даврада қатнашаётган болалардан бири ўрнидан туриб кенгаши раиси ёнига келди ва ундан «Мен ҳам қўшиқ айтсам майлими?» деб сўради.

— Албатта айтсан, — деди раис. Бовшочки қиз болани микрофон олдига тақлиф этди.

Узини Раҳимжон Султонов деб таништирган бу бола қўшиқни шунангача берилиб айтдики, кеча қатнашчилари ҳам беихтиёр унга жўр бўлишди. Болалар мазза қилиб ўйинга тушишди.

— Биз каби камхарж оилаларга меҳрибонлик кўрсатиб, болаларимизнинг бошини силанган касба уюшмаларига катта раҳмат, — деди ота-оналар номидан сўзга чиққан Обидхон Абдуллаева.

Ш.НЕЪМАТОВ.

OLAMDA

XXI аср аравасида денгиз қароқчилиғи муаммоси халқаро миқёсда ҳал қилиниши лозим бўлган энг муҳим масалалардан бирига айлиниб бормоқда. Сув йўлларида фойдаланаётган мамлакатлар қароқчилар ҳужумидан катта зарар кўраётир.

Халқаро денгиз ташкилоти (ХДТ) маълумотига қараганда, денгиз қароқчилиғи расман 60-йиллар аввалида қайд этила бошлаган. Орадан вақт ўтиб бундай кўринишдаги жиноят одатий ҳолга айлиниб қолди. 70-йилларга келиб савдо кемалари ва танкерларни талаш айрим жинорий гуруҳлар учун мўмайгина даромад топишининг энг қулай ва осон йўлига айланган эди.

Қароқчилар дастлабки вақтларда фақат кемадаги юкларни талаш билан чекланар эди. Хозирги вақтда жиноятчиликнинг «замонавий» кўри-

Шарҳловчи минбари

ДЕНГИЗ ҚАРОҚЧИЛИГИ АВЖГА ЧИҚМОҚДА

ган ҳудудлари савдо кемалари учун энг хавфли зоналардир. Узоқ Шарқ, Жануби-шарқий Осиё минтақасида жиноятчиликнинг бундай кўриниши борган сари авж олмақда. Айниқса, Жанубий Хитой денгиз қароқчиларининг уиси ҳисобланади.

ХДТ маълумотига кўра, ўтган йили Сиам кўрғазига жуда катта шўва-шўва сабаб бўлган жиноят содир этилган. Қароқчилар ўшанда «Анна Серра» номи савдо кемасига ҳужум қилиб, баҳоси тўрт миллион фунт стерлингга тенг бўлган 12 минг тонна шакарни талаб қетган.

Сўнгги вақтларда денгиз қароқчилиғига қарши курашни янада фаоллаштириш ва уни халқаро миқёс-

га чиқариш борасида кўплаб тadbирлар амалга ошириляётир. 1988 йилда денгиз кемалари хавфсизлигига таҳдид солаётганлар пайини қирқиб бўйича халқаро конвенция қабул қилинди. 1992 йилда ХДТ раҳнаомлигида Малайзия пойтахти - Куала-Лумпур шаҳрида денгиз қароқчилиғига қарши кураш бўйича махсус марказга асос солинди. 1994 йилда эса денгиз ҳуқуқи бўйича халқаро конвенция кучга кирди. Унга кўра, ҳудуди сувга туташ ҳар бир давлат кемалар хавфсизлигини таъминлашга мажбур. Ушбу ҳужжатни юзга яқин мамлакат ратификация қилган.

Ҳудуди сувга туташ давлатлар мустақил равишда ҳам қароқчилар-

га қарши курашмоқда. Айниқса, Хитой ҳукумати денгиз қароқчиларига қарши кескин ҳужум қилаётир. Хусусан, 1998 йилнинг ноябрида бедарак йўқолган савдо кемасини талон-тароҳ қилган ва ундаги 23 кишининг ўлимига сабабчи бўлган 13 жиноятчи олий жазога ҳукм қилинган эди. Мамлакат суди бир неча кун илгари мьянмалик ўн тўрт нафар қароқчинини ҳам жинорий жавобгарликка тортиди. Қароқчилар раҳбари олий, унинг икки ҳамроҳи умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Қолган жиноятчилар эса беш йилдан ўн бир йилгача бўлган муддатларга озодликдан маҳрум қилинди. Улар ўтган йили «Марин мастер» тижорий кемасига ҳужум қилганлиқда айбланган эди. Малайзия эса Филиппин ва Индонезия билан ҳамкорликда денгизда назорат хизматини кучайтирмоқда. Бунинг натижасида Малакка кўлигида бундай жиноятлар сони бир неча фоиз камайди.

Мутахассислар сўнгги йилларда денгиз қароқчиларига қарши кураш тобора фаоллашиб бораётган бўлса-да, ушбу муаммо пайини батамом қирқиб учун ҳали кўп вақт кераклигини таъкидламоқда. Ҳозир бундай жиноятнинг асосий қисми Жануби-шарқий Осиё минтақасида содир бўлмоқда. Бунга сабаб, минтақа давлатларида бир неча йилдан буён давом этиб келаётган молиявий танглик асоратларидир. Кўпгина давлатлар ўз иқтисодиётини қайта тиклашга ожизлик қилаётир. Бу эса айрим кишиларни рўзгор тебратиб ёки шунчаки кун кўриш илинжида денгиз қароқчилиғи билан шугулланишга мажбур қилмоқда.

Равшан МАҲМУДОВ,
ЎзА шарҳловчиси.



